O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

● 2005-yil ● 12-mart ● Shanba ● 30 (27.365) ● uzbovozi@sarkor.uz ● 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 11 март куни Оқсаройда Америка Қўшма Штатларининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Жон Пурнеллни қабул қилди

Президент Ислом Каримовнинг 2002 йил март ойида АҚШга расмий ташрифи чоғида мамлакатларимиз ўртасида Стратегик шериклик ва ҳамкорлик асослари тўғрисида декларация қабул қилинган эди. Бу ҳужжат ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришда муҳим ҳуқуқий асос вазифасини ўтамоқда.

Ўзбекистон АҚШ билан муносабатларга алоҳида эътибор қаратади. АҚШ эса Ўзбекистонга Марказий Осиёдаги муҳим давлат сифатида қарайди. Мамлакатларимиз халқаро террорчилик ва диний экстремизмга, наркотик моддалар ва қурол-яроғнинг ноқонуний савдосига қарши курашда ҳамкорлик қилиб келмоқда.

АҚШ Ўзбекистоннинг йирик савдо шерикларидан ҳисобланади. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Жумладан, бу кўрсаткич 2003 йилда 335,2 миллион долларни ташкил этган бўлса, 2004 йилда 543 миллион долларга етди. Қўшма корхоналар сони беш юзга яқин.

Оқсаройдаги учрашувда икки томонлама муносабатлар стратегик шериклик тамойилларига мувофиқ ривожланиб бораётганидан мамнуният изҳор этилди.

Ж.Пурнелл ушбу учрашув ўзаро ҳамкорликка оид масалаларни муҳокама қилиш учун яхши имконият эканини таъкидлади ва самимий қабул учун Президент Ислом Каримовга миннатдорлик билдирди.

Суҳбат давомида икки томонлама алоқалар, минтақавий хавфсизлик ва Афғонистондаги вазиятга доир масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА)

Наврўз нафаси

ШОҲ БАЙРАМНИНГ ШОҲОНА СЕВИНЧЛАРИ

ЁХУД УНИНГ НИЯТЛАРИ, СОҒИНЧЛАРИ, СУЮКЛИГИ ВА БУЮКЛИГИ ҲАҚИДА

Одам одамга ўхшайди, дейдилар. Аслида шундаймикан? Жилла бўлмаса қайсидир белгилари билан фарқ қилиши табиий-ку! Бироқ, шундай одамлар бўладики, дарёдай уйғоқлиги, қалбининг қайноқлиги, фикрлари чақмоқлиги билан бир-бирига ўхшаб туради...

Тошкент шаҳридаги Яккасарой тумани, Юнус Ражабий номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси, «Дўстлик» ордени нишондори Михаил Митрафанович Киктев билан Самарқанд вилояти, Қўшработ тумани, Урганжи қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, халқ депутутлари туман Кенгаши депутати Бегмуҳаммад Мамарасулов иккисини ана шундай одамлар тоифасидан дегим келаверади.

Яқинда баҳор насимлари билан шодумон келаётиб Бегмуҳаммаднинг ўтган йил Наврўз айёми арафасида айтган шоирона икки сатрини эсладим:

Наврўз келди, ажиб нашъу наволар келди,
Олам тўлиб хушбўй-хушбўй ҳаволар келди...

Қаранг, қандай чиройли мисралар. Қалбингизга баҳорий руҳият, баҳорий тозариш, яшариш ва ажиб бир кўтаринки кайфият солади...

Кеча Михаил Митрафанович билан мавқеи тобора юқорилаб бораётган Наврўз ҳақида суҳбатлашиб ўтириб, у кишининг ибратомуз бир фикри ҳам диққатимни жалб қилди:

— Менинг миллатим рус. Ўзбекистонда униб-ўсиб, Ўзбекистонда ўқиганман. Қишлоқ хўжалиги соҳасида олим бўлиб етишдим. Асосий умрим қишлоқда, пахтакорлар орасида ўтди. Шу боиси, мақтаниш эмас-у, ўзбек тилида унча-мунчалардан чечанроқ гапираман. Наврўз қандай байрамлигини чуқурроқ тушунаман...

— Айтинг-чи, билганларингизни, — дейман сўзга чорлаб уни.

— Наврўз — ибтидоий жамоа даврида ҳам одамлар деҳқончиликка ўрганганидан сўнг далага чиқиб, экин-тикин ишлари бошланиши олдидан ўтказиладиган байрам бўлган... Қолаверса, бир афсонада айтилишича, Одам Ато билан Момо Ҳаво учрашган илк кун ҳам Наврўз кунига тўғри келган, дейишади. Назаримда, шу гап рост. Чунки коинот ва табиат қонунлари, яъни тун билан кундузнинг баробарлашуви Наврўз кунига тўғри келиши илмий асосланган.

Президентимизга қойил қолиш керак. Наврўз диний байрам сифатида қатағон қилинган кезларда ҳам уни халқ сайли деб эълон этишга журъат қилдилар.

Менимча, Наврўзнинг хосиятларидан бири шундаки, у одамларни бирлаштиради, яхшиликка чақиради.

Дарҳақиқат, Наврўз — халқнинг энг яхши анъаналари, қадриятлари, удумлари, одатлари ва ахлоқий қоидаларини ўзида тўла мужассам этган суюкли байрам. Айниқса, ёшлар тарбиясида катта аҳамиятга эга. Бу байрам одамларга меҳр-муҳаббатли бўлишни ўргатади: Бирор баҳона билан аразлашиб қолганларнинг Наврўз кунлари ярашуви, ўртада ўтган гина-кудуратларнинг унутилиши, сумалаклар, ҳолвайтарлар пиширилиб, ўртада ҳамжиҳат тановул қилиниши азалий қадриятлардан ҳисобланади. Хасталикда ётганлардан ҳол сўраб қўйиш, азадорларга ҳамдардлик билдириш, муҳтожларга кўмак бериш, отаоналарини, яқинларини ва кексаларни зиёрат қилиш — ҳаммаси миллий қадриятларимиз, ахир.

— Маҳалламизда Наврўз тантаналарига пухта тайёргарлик кўраяпмиз — дейди Михаил Митрафанович. — Кеча юз ёшга тўлган Григорьян Анна Александровна деган онахонимизни табриклаб келдик. Совға-саломлар улашдик. Бирам хурсанд бўлдики... Бояқиш, қувончини яширолмай: «Мен бугун тушимда қайта туғилганмишман, яшариб кетганмишман...» — дейди.

Кўчаларга, хонадонлар атрофига кўплаб мевали-манзарали дарахтлар, гул кўчатлари ўтказаяпмиз. Таъмир талаб бинолар таъмирланиб, йўл бўйлари супуриб-сидирилмоқда, дов-дарахтлар оқланмоқда. Ҳамма кўчаларимиз юзида, ҳамма иншоотлар олдида қимирлаган жон борки, озодалик, орасталик ташвишлари билан банд... Чунки, барча бирдек бир-бирларига соғлик, саломатлик, эсономонлик соғинаяпти, покланиб, тозариб олишаяпти...

✧✧✧

Оқсоқол билан гурунгимизни уч-тўрт қоғозлик ушбу битикка тўла сиғдиролмадим. Аммо, у кишининг Наврўзнинг тарбиявий-маънавий аҳамияти ва ёшлар тарбиясига таъсири тўғрисидаги мушоҳадаси менда яхши таассурот қолдирди. Бошқа байрамларинику билмадим, лекин Наврўзнинг азалий, абадий, суюк, буюк ва шоҳ байрам эканлигини яна бир бор чуқур ҳис этдим. Дарвоқе, буюк аллома Фирдавсий Наврўзни **«Байрамлар шоҳи»** деб бежиз айтмаган-да.

Битигим тугаяпти, кўз ўнгимда экин-тикин далалари, боғроғлар, кенг яйловлар, зумрад қир-адирлар... Кетмонлари ва белкуракларини қўёш тиғида ярқиратиб олиб, кўнглида энг яхши ниятлари, пок соғинчлари, орзу-умидлари билан ижод ва турмушга отланган юртдошларим... Ёдимга мақола бошида айтган қадрдонимнинг михланиб қолган шеърий сатрлари яна келди. Уни ҳаяжон билан такрор айтаяпман-у ўзимнинг ҳам завқим тошди:

Очилиб гул-гул,
Чаманда боғу бўстон яшнасин.
Бу Ватан гулзорида,
Гул бирла райҳон яшнасин...

Номоз САЪДУЛЛАЕВ

Партия ва жамият

Ўзбекистон ХДП:

ЯНГИ МЎЛЖАЛ ВА ВАЗИФАЛАР

Яқинда партия Марказий Кенгашида «Ўзбекистон ХДП парламент демократияси тизимида: мўлжал, мақсад ва вазифалар» мавзусида «давра суҳбати» бўлиб ўтди. Ундан кўзланган мақсад ЎзХДП IV қурултойининг партияни сўл йўналишдаги сиёсий куч эканлигини тўғрисидаги баёнотини назарий жиҳатдан чуқурроқ идрок этиш, унинг мазмун-моҳияти билан партия фаолларини қуроллантириш ва ушбу мақомга яраша қилинадиган саъй-ҳаракатлар ҳақида фикрлашиб олиш ва тавсиялар ишлаб чиқиш эди. Шундан келиб чиқиб «давра суҳбати»га партия фаоллари, депутатлар, МК ҳузуридаги Экспертлар гуруҳи аъзолари, жамиятшунос олимлар, ОАВ ходимлари таклиф этилдилар.

«Давра суҳбати»ни ЎзХДП МК биринчи котиби Аслиддин Рустамов бошлаб берди

Аслиддин РУСТАМОВ — Ўзбекистон ХДП МК биринчи котиби:

— Маълумки, партиямизнинг IV қурултойи Ўзбекистон ХДПнинг мамлакатимиз сиёсий майдонида сўл позицияни эгаллашини ва шу маънода унга қарама-қарши турган сиёсий кучларга нисбатан мухолифатда бўлишини эълон қилди. Партиямизнинг Сайловолди Платформаси ана шунинг асосида ишлаб чиқилди ва мамлакатимиз жамоатчилиги томонидан катта қизиқиш ва хайрихоҳлик билан қабул қилинди ҳамда бўлиб ўтган сайлов кампаниясида кўплаб фуқароларнинг ижобий баҳосига сазовор бўлди.

Ўзбекистон ХДПни сўл сиёсий куч деб эълон қилиш — биз қўйган биринчи қадам эди. Эндиликда, олдимизда яна бир муҳим масала — партиямиз сиёсий қарашларини назарий жиҳатдан асослаб бериш ва энг асосийси, бундан тегишли амалий хулосалар чиқариш, шу жумладан бунинг мазмун-моҳиятини партия фаоллари, барча аъзоларига тушунтириш вазифаси турмоқда. **Бу биринчидан.**

Иккинчидан, сафдошларимиз, тарафдорларимиз, сайловчиларимизга Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партиямиз фракциясининг ЎзЛиДеп, Фидокорлар МДП ва «Адолат» СДПнинг фракцияларидан ташкил топган «Демократик блок»ка нисбатан мухолифат бўлиши тўғрисидаги баёнотининг моҳияти ва аҳамиятини тушунтиришимиз талаб қилинади. Бунга катта эҳтиёж сезиляпти. Кўпгина фаолларимиз ушбу масалада кўмак беришни сўраб бизга мурожаат этмоқдалар. Биз уларнинг саволларига атрофлича жавоб беришимиз, бунда тарғибот-ташвиқот воситаларидан фойдаланишимиз керак. Шу мақсадда партия матбуоти саҳифаларида қатор назарий ва услубий материалларни чоп этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Учинчидан, партиямизнинг сўллик позициясидан келиб чиқадиган **амалий масалаларни устувор вазифа**, деб ҳисоблаш керак. Барча назарий ва тарғибот-ташвиқот ишларимиз шунга қаратилмоғи лозим. Бунда салмоқли замин — Сайловолди Платформамиз борлигини унутмайлик. Қонунчилик палатасидаги фракциямиз шу йўналишда иш олиб боришни мўлжалламоқда ва шунга оид ўз таклифларини палатанинг тегишли тузилмаларига тақдим этди.

Ёки бошқа бир масала. Биз қатор *жамоат ташкилотлари, жумладан касаба уюшмаларини ўзимизнинг ижтимоий шерикларимиз*, деб эълон қилдик. Хўш, ҳозирги шароитларда бу соҳада қандай аниқ ишлар қилиниши керак? Ушбу масалаларга оид стратегия ва тактикамизни ишлаб чиқиш лозим.

Суҳбат мавзуси юзасидан **Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиби Михаил ЕЛЬШОВ** маъруза қилди. Партиямизнинг IV қурултойида Ўзбекистон ХДПнинг сўл позицияси ва Қонунчилик палатасидаги партия фракциясининг озчиликни ташкил этувчи мухолифат вазифасини ўз зиммасига олиши тўғрисидаги баёнотлари онгли равишда қўйилган қатъий қадамлар эди. Шундан сўнг маърузачи қатор хорижий мамлакатлар сиёсий ҳаёти, шу жумладан парламентларида сўл ва ўнг тушунчаларининг келиб чиқиши тарихи, демократик жамиятда муҳим роль ўйнаётган бугунги кундаги ўнг ва сўллар ҳақида маълумот берди.

2-бет

Озод ШАРАФИДДИНОВ:

МАМЛАКАТ ЯНГИЛАНСА — МИЛЛАТ ЯШАРГАЙ!

Президентимиз Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси жойларда чуқур ўқиб-ўрганилмоқда. Унда белгилаб берилган вазифаларни амалга ошириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилаётир.

Ўзбекистон Қаҳрамони Озод ШАРАФИДДИНОВ ЎзА мухбири билан мулоқотда бу борада қуйидагиларни гапириб берди:



— Президентимизнинг мазкур маърузаси янги давр, тараққиётимизнинг янги босқичи учун дастуриламалдир. Унда мамлакатимизнинг истиқлол йилларида босиб ўтган йўли кенг таҳлил этилиб, жамиятимиз олдида турган муҳим вазифалар аниқ белгилаб берилди.

Маърузада акс этган долзарб масалалардан бири мафкурадир. Назаримда, бугунги кунда ёт кучларнинг мафкуравий хуружи ҳар қачонгидан ҳам ортмоқда. Бу хуруж бир қарашда кўзга ташланмайди, ҳужумга ҳам ўхшамайди.

Мисол учун кино санъатини олайлик. Илгари юртимизда Ғарб фильмлари, умуман, хориж киноси кам кўрсатилар, унда ҳам минг бир чиғириқдан ўтказилиб, ёшлар онгини заҳарламайдими, деган саволларга жавоб қидирилиб, намойиш этиларди. Ҳозир бунақа цензура йўқ, кино маҳсулотларини ноқонуний йўллар билан сотиб олиб, намойиш этиш одатий ҳолга айланган. Айни пайтда хориж фильмларини ноқонуний тарқатиш ва намойиш этиш орқали пул ишлаш, моддий бойлик орттиришга ҳаракат кучли. Бош мақсад пул топиш бўлган жойда маънавиятга путур етиши тайин.

Қарабсизки, экранларимизда беҳаёлик, зулм, зўравонликни тарғиб этувчи фильмлар намойиши, бозорларимизда эса уларнинг кассеталари камаймаяпти. Шварцнегер, Вандам, Жеки Чан каби «зўравонлар» ёшлар ўртасида идеалга айланиб бормоқда.

Бундай фильмларни кўрган ўспирин: «Мен ҳам Шварцнегерга, Вандамга ўхшасам бўларкан. Мен ҳам ўзимни кўрсатишим керак», деб ўйлаши табиий. Кўчага чиққанида трамвайнинг ўриндиғини, телефон будкасини тепиб синдиради, ким биландир муштлашиб, кучини кўрсатади. Энг ёмони, онгига: «бу дунёни зўрлар, билагида — кучи, чўнтагида — пули, ортида суянчиғи борлар бошқаради», — деган фикр сингади. Онги заҳарланади, эзгулик йўлидан тояди. Айрим фильмлар эса шармандали саҳналарга тўлиб-тошган. Иккисидан бирида сўкишҳақоратга дуч келасиз. Ўзбеклар тилга олишга уяладиган сўзлар бундай фильмлар қаҳрамонлари тилидан тийимсиз янграйверади. Диққат қилсангиз, бу тоифа фильмлар ёш йигит-қизлар онгида дунёда интим алоқадан бошқа лаззат йўқ, деган тасаввурни уйғотади. Аслида, бундай фильмларнинг кўпчилиги улар тайёрланган ўша хориж давлатларининг ўзида ҳам намойиш этилиши тақиқланган. Улар экспортга мўлжалланган «санъат асарлари»дир.

Давлатимиз фуқароларни четдан кириб келадиган сифатсиз маҳсулотлардан ҳимоя қиляпти, чегараларимиз жуда маҳкам. Лекин мафкураси бузуқ кино маҳсулотларининг йўлини тўсиш қийин кечяпти.

Мен мафкуравий хуруждан сақланиш деганда халқимизни мана шунга ўхшаш сифатсиз, ғоявий бузуқ маҳсулотлар — фильмлар, китоблар ва газета-журналлардан ҳимоя қилишни тушунаман. Уларга ман қилиш билан эмас, аввало, тўғри тарғибот ва тушунтириш йўли билан чек қўйиш мумкин. Президентимиз айтганидек, фикрга қарши — фикр, ғояга қарши — ғоя билан курашганимиздагина зарарли ғоя ва мафкураларнинг таъсирига барҳам берамиз.

Юртбошимиз қайта-қайта таъкидлаганидек, ҳозир оламда онг учун катта кураш кетяпти. Ғоялар жанги авж палласига чиққан. Онгу тафаккур ишғол қилингач, мамлакатни, халқни мустамлакага айлантириш қийин иш эмас. Шу боис мамлакатимизда безовталик, беқарорлик ва нотинчлик туғдиришдан катта манфаат кўрадиган кучлар йўқ эмас.

Хориждаги бундай кучларнинг номи, қуроли ҳар хил. Бири бизга демократиядан сабоқ бермоқчи бўлса, иккинчиси гўё мамлакатимизда динни мустаҳкамламоқчи. Аммо, асосий мақсади — ўз мафкурасини сингдириш. Хориждаги айрим доиралар: «Ўзбекистонда инсон эрки бузилмоқда», деб «жон куйдиради». «Ўзбеклар ҳам инсон эрки, маданияти масаласида бизга етиб юрсин», дейди улар.

Шундай гапларни эшитганимда ёқамни ушлайман: Биз кимга етиб юришимиз керак? Демократия халқаро олимпиада эмасқи, олти ой машқ қилиб, жаҳон рекордини ўрнатсак. Дунёда қанча мамлакат, халқ бўлса, шунча йўналиш ва кўринишдаги демократия бор:

3-бет

ДУНЁ ПОЛВОНЛАРИ ЯНА ТОШКЕНТДА

Бугун пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуида эркин кураш бўйича Жаҳон кубоги баҳслари бошланади

Нуфузи жиҳатидан олимпиада ва жаҳон чемпионатидан кейинги ўринда турувчи мазкур мусобақада ер курраси-нинг энг кучли олти терма жамоаси гиламга чиқади. FILA таснифида юқори поғоналарни банд этган иштирокчилар — Россия, Америка Қўшма Штатлари, Куба, Эрон, Украина ҳамда Ўзбекистон курашчиларидир. Доиравий тизимда уюштирилаётган беллашувлар якунида ғолиблар умумжамоа ҳисобида тўпланган очко, шунингдек, шахсий биринчилик бўйича аниқланади. Халқаро ҳаваскор курашчилар федерациясининг ушбу мусобақасида ҳар бир терма жамоа етти (55, 60, 66, 74, 84, 86, 120 кг.) вазн тоифасида ғолиблик учун кураш олиб бориши кўзда тутилган.

4-бет

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 132-25-51, 133-46-61. Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ALOQABANK — aniq, tez, ishonchli!
Tel: 152-78-74, 152-78-75, 134-75-57. Faks: 152-78-04
WWW.alokabank.uz E-mail: info@alokabank.uz
Хизматлар лицензияланган

Ўзбекистон ХДП:

ЯНГИ МЎЛЖАЛ ВА ВАЗИФАЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда.)

— Партиямиз ташкил топган илк кунлариданоқ, — давом эттирди у, — **меҳнат аҳли** манфаатларини ифода этиш ва ҳимоялашга ҳаракат қилди.

Айни пайтда, Ўзбекистон Халқ демократик партияси ривожланишининг биринчи босқичида унинг сафларида аҳоли деярли барча табақалари вакиллари борлиги ва энг кўп сонли эканлигидан келиб чиқиб, партиямиз жамиятнинг барча қатлам ва гуруҳлари, шу жумладан, мамлакатда фаол шаклланаётган **ўрта синф — мулкдорлар** манфаатларини ҳам ифодалайдиган қандайдир универсал сиёсий куч, «халқ» партияси мавқеига даъво қилиши мумкин, деган тасаввурлар пайдо бўлди.

Лекин бундай қарашлар мамлакатимизда кўппартиялик тизими шаклланиши билан ўз-ўзидан тарқаб кетди. Сайловчилар эътиборини қозониш учун кураш моҳияти ким жамиятнинг барча қатламлари манфаатларини яхшироқ ифода этишида эмас, балки ислоҳотларнинг у ёки бу босқичида, у ёки бу минтақада сайловчилар иродасини билдиришида қайси ижтимоий гуруҳларнинг манфаати ҳал қилувчи эканлиги идрок этилди.

Шунинг учун Ўзбекистон Халқ демократик партияси жамиятдаги ўзгаришларга аниқ муносабат билдирар экан, ўз сиёсий позицияси ва ижтимоий йўналтирилган дастурий устуворликларига аниқлик киритди. Гапнинг сирасини айтганда, бу яқингача барча партияларга, жумладан, бизларга ҳам хос бўлган мўртлик ва заифлик ҳолатидан чиқиш сари навбатдаги мантиқий қадам эди.

Хўш, бугун партия барча бўғинлари олдида турган асосий вазифалар нималардан иборат? Тарғиботга оид вазифалардан бошлайлик.

Ривожланган мамлакатлардан фарқли ўлароқ (уларда демократик институтлар кўп асрлик анъаналарга эга ва **сўл** ҳамда **ўнг** тушунчалари алоҳида тушунтиришни талаб этмайди), мамлакатимизда тегишли сиёсий тажриба энди шаклланиб келмоқда. Аҳолининг кўпчилик қисми томонидан классик демократик йўналишлар моҳиятини тушуниш анча қийин. Зеро, тоталитар тузум даврида бу ҳақдаги тасаввурлар сиёсий кўпфикрлиликка йўл бермайдиган, маълум мафкуравий яккаҳокимлик таъсирида шаклланган эди.

Шунинг учун, партия аъзоларига, уни қўллаб-қувватлаётган электоратга, партиямиз сўл йўналишининг моҳияти ҳамда у ўз зиммасига олган **парламент озчилиги мухолифлиги масъулиятини** тушунтириш билан чекланмаслик керак. Шунинг билан бирга, бозор иқтисодини инкор қилиш, иқтисодни ривожлантиришнинг инвестициявий ва бошқа мақсадли дастурларини молиялаштириш зиёнига ижтимоий харажатларни кескин ошириш каби Ўзбекистон ХДПга хос бўлмаган гапларнинг мутлақо асоссиз эканлигини кўрсатиш лозим.

Партиямизнинг бу масалалардаги дастурий мўлжаллари, унинг мафкуравий позицияси аниқ ва у қўйидагилар учун курашмоқда:

— мулк ва меҳнат барча шаклларининг нафақат иқтисодий, балки ҳуқуқий тенг ҳуқуқлилиги, хусусий ташаббус, тадбиркорлик ва рақобат эркинлиги;

— фуқаролик жамиятининг энг муҳим мулкий асоси — хусусий мулкнинг дахлсизлиги;

— ишлаб чиқарувчига ўзига тегишли ишлаб чиқариш воситалари ва ресурслари, ишлаб чиқарилган маҳсулот, товарлар ва хизматлар, уларни сотишдан олинган даромадларни мустақил равишда тасарруф этиш имкониятини берувчи тўлақонли иқтисодий эркинлик.

Бошқача айтганда, партиямиз иқтисодиётда бозор ислоҳотларининг изчил тарафдоридир, уларнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш учун курашади. Бу бизнинг сўллигимизни белгиловчи биринчи жиҳатдир.

Иккинчи жиҳат бизнинг бозор иқтисодиётига хос фуқароликҳуқуқий муносабатлардаги устуворликларимиздан келиб чиқади. Яъни, биз:

— меҳнат бозоридаги иш берувчилар ва ишловчилар ўртасидаги муносабатларда ишловчилар манфаатлари устуворлиги учун курашамиз;

— истеъмол бозоридаги муносабатларда — ишлаб чиқарувчилар манфаатларига қараганда истеъмолчилар манфаатларининг устуворлиги ҳамда истеъмолчилар манфаатларига зиён етказадиган монополистик фаолиятни чеклаш учун курашамиз.

Сўл йўналишимизнинг учинчи жиҳати шундаки, Ўзбекистон ХДП меҳнат бозори ва истеъмол бозорида тенг шароитда рақобат қила олмайдиган аҳолининг заиф қатламларини давлат кафолатлайдиган мақсадли ижтимоий ҳимоя қилиш учун курашади.

Булар жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида сўл, ижтимоий йўналишдаги партия ва сиёсий ҳаракатлар ўз фаолиятини ташкил этадиган омилларга тўлиқ мувофиқ келади. Бундан эса IV қурултой аниқлик киритган партиямизнинг ижтимоий негизи тушунчаси ҳам келиб чиқади.

Кенгроқ тушунтиришни талаб қиладиган иккинчи масала — бу Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракциясининг «Демократик блок» тимсолида ташкил топган парламент кўпчилигига муқобил ўзини озчиликдаги парламент мухолифати деб эълон қилинишидир.

Бунда гап, энг аввало, парламентдаги фракциямизнинг парламент кўриб чиқадиган тегишли қонунлар, қарорлар ва бошқа масалалар юзасидан мустақил, муқобил нуқтаи назарини ифода этиш устида бормоқда. Муқобиллик нимадан иборат? Энг аввало шундаки, қонуняратувчилик жараёнида «Демократик блок»ка кирган учта партиядан иккитаси тадбиркорлар ва ишбилармонлар, яъни иш берувчилар ва ишлаб чиқарувчилар манфаатларини ифода этсалар, биз **меҳнат аҳли ва аҳоли ижтимой заиф қатламлари** манфаатларини ҳимоя этамиз. Шу позицияда туриб, мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг **ижтимоий самарадорлигини ошириш** учун курашамиз.

Буларнинг ҳаммаси бизнинг фақатгина **партия ташкилотлари** ва **партия матбуоти кучлари** билан эмас, балки **партиямизга хайрихоҳлик билдирадиган мустақил ОАВ**ларини жалб қилган ҳолда олиб борадиган ишимизнинг муҳим жиҳатидир.

Лекин, бу ишларимиз, агар улар партия ташкилотлари ва депутатлик тузилмаларимизнинг амалий ишлари билан тасдиқланмаса, ҳеч қандай натижа бермайди. Бунда аҳолининг қуйидаги кундалик манфаатларидан келиб чиқиш керак:

— уй-жой — коммунал хўжалик соҳасида ислоҳотларнинг бориши, уй-жой — коммунал хизматлари сифатининг пастлиги ва қийматининг тез ўсиб бораётганлиги, тарифлар ва иш ҳақи ўсишининг номутаносиблиги ва бошқалар;

— жойларда халқ таълимининг ислоҳ қилиниши, ўқитиш сифати, мактабларни таъмирлаш ва қўшимча дарслар учун ота-оналарнинг маблағлари жалб этилиши;

— давлат томонидан кафолатланган бепул тиббий хизмат кўрсатиш даражаси ва сифати;

— иш ҳақи, пенсия, стипендия, нафақалар ва аҳолига бериладиган бошқа пул тўловларини ўз вақтида амалга ошириш;

— деҳқонлар билан улар томонидан етиштирилган ва давлат буюртмаси доирасида сотиладиган маҳсулотлар учун ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш ва бошқалар.

Сайлов кампанияси ортда қолган бир пайтда, одамларни безовта қилаётган муаммоларни билишимизнинг ўзи етарли эмас. Ижтимоий-сиёсий муаммолар кўп. Уларни пайсалга солмай ўрганиш, сабаблари ва ҳал этилиши қимга боғлиқ эканлигини аниқлаш лозим. Депутатлик гуруҳлари орқали давлат ва хўжалик органлари олдида тегишли масалаларни қўйиш керак. Бу муаммоларнинг ҳал этилиши учун курашиш, ташаббус, сиёсий ирода ва қатъият зарур. Шу мақсадда парламентдаги фракциямизнинг қонуняратувчилик имкониятлари, халқ депутатлари Кенгашларидаги депутатлик гуруҳларимиз ташаббусидан фойдаланиб минтақавий дастурларни ишлаб чиқиш ёки аввал қабул қилинган ҳужжатларга ўзгартиришлар киритиш, депутатлик сўровини йўлга қўйиш, фуқаролар йиғинларида мансабдорларнинг ҳисоботини тинглаш тавсия этилади.

Тадбирда шунингдек, «давра суҳбати»нинг қатор бошқа иштирокчилари ҳам ўз фикрлари билан ўртоқлашдилар.

Қодир ОДИЛОВ, Ўзбекистон ХДП МК Экспертлар гуруҳи аъзоси, иқтисод фанлари доктори, профессор:

— Ўзбекистон Халқ демократик партияси меҳнат аҳли ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари манфаатларини ифода этиш ва ҳимоя қилишни ўз зиммасига олиб жуда тўғри иш қилди. Сиёсий кучларнинг сўл ва ўнглиги тўғрисидаги масалага келсак, мен ўйлашимча, бу бўлиниш нисбий хусусиятга эга. Чунки, бизнинг мамлакатимизда у томон ҳам, бу томон ҳам кишилар турмушини яхшилаш учун курашмоқда.

Партияларнинг стратегия ва тактикаси тўғрисида гапирадиган бўлсак, стратегия бу — кураш жараёнларини, унинг боришини моҳирона бошқариш санъатидир. Ушбу санъатни мукаммал эгаллаб ололмаган бирон бир партия ўз мақсадларига эриша олмайди. Биз буни яхши уқиб олишимиз лозим.

Шундан сўнг, нотиқ ўз сўзида бизнинг партиямиз сафларида ҳам бўлган кўплаб ишбилармон ва тадбиркорлар муаммоларига тегишлича эътибор бериш зарурлиги, тадбиркор бўлишга интилаётган меҳнаткашларнинг иқтисодий ўқувини ташкил этиш, фермер хўжаликлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш, партия ташкилотларининг маҳалла фаоллари ўртасидаги ишларини кучайтириш лозимлиги каби, масалаларга тўхталди.

Тўра НОРБОЕВ, Солиқ академияси кафедра мудири, фалсафа фанлари номзоди, доцент:

— Аввало, мен Ўзбекистон Халқ демократик партияси бошқа сиёсий партиялардан фарқли ўлароқ, ўз позициясига эга бўлганлигини алоҳида таъкидламоқчиман. Демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти фанидан дарс ўтаётганимда талабалар юртимиз сиёсий ҳаётида бунёдкорлик ғояларига мос оппозиция пайдо бўлиши мумкинми, деган саволни жуда кўп беришади. Мана энди мен мамлакатимизда Ўзбекистон ХДП тимсолида парламент мухолифати вужудга келганлигини айтишим мумкин. Албатта, Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкил топганига 13 йилдан ошган бўлса-да, айнан бугун ўз ижтимоий асосига эга бўлиш, бошқа сиёсий партияларга ижобий мухолифат сифатида чиқишига фурсат етиб келди. 1996 йил августда биринчи чақириқ Олий Мажлиснинг олтинчи сессиясида Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов ҳозирги даврда демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг долзарб вазифаларига тўхталиб, демократик жамиятда сиёсий мухолифатнинг муҳим роли борлигини кўрсатган эди.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг ютуғи, одамларнинг ишончига сазовор бўлиши — бу унинг ижтимоий масалаларни кўтариб чиқаётганлигидадир. Ижтимоий адолат масаласи ҳамма даврларда ҳам долзарб бўлиб келган. Мутафаккирларимиз Алфоробий, Алишер Навоий ёки бошқаларнинг асарларида адолатли жамият, адолатли ҳукмдор, деган тушунчаларга кўп учрайсиз. Шу муносабат билан, Шарқда демократик жамиятни бунёд этиш, ижтимоий адолат муаммоларига бағишланган илмий-назарий конференция ўтказишни таклиф этаман.

Собир ҚУРБОНОВ, Ўзбекистон ХДП МК бош маслаҳатчиси:

— Бугунги суҳбат учун ўта долзарб ва жуда муҳим мавзу танланган, чунки у назарий, сиёсий ва амалий аҳамиятга эга. Ҳозиргача мамлакатимиз сиёсатчилари томонидан масала бундай тарзда қўйилмаган эди, сиёсатшунос олимларимиз эса бу соҳада (фалсафа фанлари номзоди Т.Норбоевнинг оппозиция тўғрисидаги мақоласини ҳисобга олмаганда) кенг қамровли тадқиқотлар олиб бормоқдалар. Ўзбекистон ХДП IV қурултойда ўзини сўл сиёсий куч деб очиқ эълон қилди ва партиянинг ижтимоий таянчи масаласига аниқлик киритди. Фракциямиз ўз навбатида парламентда учта сиёсий партия фракциялари томонидан кўпчиликни ташкил этувчи «Демократик блок»нинг тузилиши муносабати билан ўзини Қонунчилик палатасида уларга муқобил тарзда мухолифатда туришини билдирди. Энди, Ўзбекистон ХДПнинг бошқа сиёсий партиялардан фарқи йўқ, деган гапларга ўрин қолмади.

Демократик жамият бунёд қилинаётган мустақил Ўзбекистонда демократиянинг муҳим унсурларидан бири бўлган *сиёсий мухолифат масаласи* яқингача очиқ қолиб келаётган эди. Бунга мухолифликка даъвогарлик қилиб келаётган айрим гуруҳларнинг хатти-ҳаракатлари ҳам сабаб бўлди. Чунки, улар мамлакат равнақи, халқнинг тақдири эмас, балки ўзларининг ғаразли манфаатларини кўзлаб қилаётган қонунларга зид амаллари билан кишиларда ҳар кандай оппозицияга салбий тасаввур пайдо қилдилар.

Ғарбдаги айрим сиёсатдонлар эса ривожланган давлатларда бир неча аср давомида қарор топган демократик андозаларни бизнинг мамлакатимизга, бу ердаги шарт-шароит, миллий анъаналар, халқимизнинг менталитети, унинг сиёсий маданияти даражасини ҳисобга олмай ва мослаштирмай, тезроқ жорий қилишни маслаҳат бермоқдалар. Ваҳоланки, кўплаб мамлакатлар тажрибасидан биламизки, нафақат революцияни, балки демократияни ҳам экспорт қилиш мумкин эмас.

Лекин шу нарса ҳам аниқки, кўппартиявийлик тизимисиз демократик жамият бўлмаганидек, сиёсий рақобат, унинг ифодачиси бўлмиш *сиёсий мухолифатсиз ҳам демократия кемтиқдир.* Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг фикрича, **«ҳақиқий демократик жамиятни шакллантириш тўғрисида сўзлар эканмиз, табиийки, сиёсий мухолифат зарур эканлигини айтиш лозим».** Албатта, ҳамма гап мухолифатнинг қандайлигида: у конструктив, яъни ижобий мухолифатми ёки вайронкор кучми.

Ўзбекистон ХДП ҳамма нарсани бузиб, ўзларига маъқул андозалар билан қайта қуришга чақирадиган мухолифатга қаршидир. У миллий истиқлолни қадрлайдиган, ҳимоя қиладиган ва уни ривожлантиришни мақсад қилиб қўйган, қонун доирасида, демократия тамойиллари асосида ҳаракат қилувчи мухолифат тарафдоридир. Партиямиз мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичига оид амалий таклифларини ўз Дастури ва Сайловолди Платформасида баён этди. Партия Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси шу йўналишда иш бошладилар. Демак, улар сўл сиёсий куч сифатида ҳаракат қилмоқдалар.

Руфат РАЗЗОҚОВ, ХДП МК Экспертлар гуруҳи аъзоси, иқтисод фанлари доктори, профессор:

— Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси ўзини озчиликдаги мухолифат сифатида эълон қилиб, катта масъулиятни зиммасига олди. Энди биз буни амалда исботлашимиз лозим. Аввало, фракциямиз парламентда у ёки, бу масала юзасидан баҳслашиш маданиятини юксалтиришда, фикрлар хилма-хиллигини ривожлантиришга, муқобил фикр билдирувчиларни ҳурмат қилишни таъминлашга муносиб ҳисса қўшсин. Чунки икки палатали парламентга ўтишнинг ўзи сиёсий партиялар учун алоҳида масъулиятдир. Партиялар парламентчилик фаолиятлари билан икки палатали парламентга ўтишнинг тўғрилигини амалда исботласинлар. Айрим мамлакатларда бир палатали парламентга қайтиш ҳоллари гувоҳи бўлмоқдамиз. Демак, уларда икки палатали парламентга яхши тайёргарлик кўрилмасдан ўтилган. Марказий Кенгаш ва партиямизнинг маҳаллий бўғинлари, бошланғич ташкилотлари бу масалага алоҳида эътибор беришлари даркор. Албатта, бунинг учун биз — Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг ҳар бир аъзоси фаол ҳаракат қилишимиз шарт.

Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши иккинчи котиби Виктор Медведев, Ҳамза тумани И.Юнусов номидаги маҳалла бошланғич партия ташкилоти котиби Воҳиджон Муллажонов ва бошқалар ўз сўзларида «давра суҳбати»нинг ўтказилишини ижобий баҳолаб, бундай тадбирларни туманлар ёки худудлар доирасида ҳам ташкил этиш, партия фаолларини услубий ашёлар билан таъминлашни таклиф этдилар.

Аслиддин РУСТАМОВ мунозарага якун ясаб бундай деди:

— Мамлакатимиз парламенти қуйи палатасида мухолифатнинг пайдо бўлиб, ўзининг саъй-ҳаракатларини бошлаб юбориши ва амалий натижаларга эришишга интилаётганлиги ижтимоий-сиёсий ҳаётда катта воқеа бўлади. Олий Мажлис Қонунчилик палатасида 28 нафар, маҳаллий Кенгашларда эса икки ярим минг нафарга яқин депутатларимиз бор. Бу катта куч ва биз ундан самарали фойдаланишимиз керак. Биз ижтимоий соҳани танлаб, ижтимоий жиҳатдан қийналган инсонлар манфаатини ҳимоя қиламиз деяпмиз. Лекин фақатгина Баёнот қабул қилиш билан уни ҳал этиб бўлмайди. Бунга амалий ишлар билан жавоб қайтаришимиз керак. Бу йўналишда муайян қадамлар қўйилди.

Лекин бу ишларда партиямизнинг вилоят, шаҳар, туман кенгашлари бизни қўллаб-қувватламасалар кўп нарсага эриша олмаймиз. Кўпгина партия ташкилотларининг раҳбарлари тадбирда қатнашмоқдалар. Бошқалар газета орқали бу ердаги гаплардан хабардор бўладилар. Улар ва депутатларимиз ижтимоий масалаларга диққатни кучайтирмоқлари, аҳолини ташвишлантираётган муаммоларни маҳаллий Кенгашлар сессияларига олиб чиқишлари, депутатлик сўровлари ташкил қилишлари, ваколатлари доирасига кирадиган идораларга мурожаат этишлари даркор. Ҳозир жойларда ижтимоий таъминот идоралари фаолиятидан норози бўлаётганлар ёки бошқа муаммолардан қийналаётганлар йўқ эмас. Ана шундай ишларда биз кўпроқ одамларнинг ёнида туришимиз керак. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳларимиз сессияларга ёки депутатлик гуруҳи йиғилишларига тегишли ташкилотлар вакилларини чақириб, уларнинг ахборотларини эшитишни ҳам йўлга қўйишлари, кўрилган масалалар ижобий ҳал этилишига эришишлари лозим. Бу, ваколатларимиз доирасига киради. Бизга ишонч билдирган халқимиз ана шуларни биздан кутаяпти. Биз ишончни оқлашимиз керак.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

Тадбир

КОНСТИТУЦИЯНИ ЎРГАНИШ — ВАТАННИ СЕВИШДИР

Кеча Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судида «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш — ёш авлоднинг ҳуқуқий онги, тафаккури ва маданиятини юксалтиришнинг кафолати» мавзуида республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

Конституциявий суд раиси М.Абдусаломов бошқарган ушбу анжуманда Бош қонунимиз моҳиятини кенг омма, айниқса, ёшлар ўртасида тарғиб этиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 4 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги Фармойишининг ижроси билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Конференцияда таъкидланганидек, Президентимизнинг мазкур Фармойиши Асосий қонунимизни ўрганиш изчил ва самарали механизм барпо этилишининг асоси бўлди. Фармойишга мувофиқ, 2001-2002 ўқув йилидан бошлаб мактабгача ва умумий ўрта таълим муассасаларида, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасаларида «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш» курсларини ўқитишга киришилди. Мамлакатимиз тарихида илк бор Конституцияни ёш авлодга ҳатто болалар боғчасидан бошлаб ўргатиш йўлга қўйилди. Муҳими, уларнинг онгида Мустақиллик бу — ҳуқуқ дегани, унинг алифбоси Бош қонун — Конституция эканлиги тушинтирилмоқда.

Бироқ, Конституция тарғиботи ва уни ўрганиш борасида эришган барча ютуқларга қарамай, бу йўналишда қилинадиган ишлар ҳали кўп. Масалан, ҳозирги кунда таълим муассасаларида Конституциядан сабоқ бераётган айрим ўқитувчилар билим даражаси ҳам жиддий эътибор талаб қиладиган масаладир. Конституцияни ўргатишда барча таълим муассасалари ҳамда таълимдан ташқари тизимларда узвийлик, изчиллик бўлиши зарур. Бир сўз билан айтганда, Конституцияни ўргатиш учун аҳолининг барча қатламлари қамраб олиниши керак. Айниқса, бу борада оммавий ахборот воситаларининг ўрни алоҳидадир.

Йиғилишда Бош вазир ўринбосари, Олий ва ўрта махсус таълим вазири Р.Қосимов, Халқ таълими вазири Т.Жўраев, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори А.Саидов, Наманган давлат университети ректори Т.Файзуллаев, «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси раиси И.Латипов ва бошқаларнинг маърузалари тингланди.

Маъмуржон ҚИЁМОВ

НАВРЎЗ ВА САЛОМАТЛИК

«Экосан» халқаро ташкилотида Сиҳат-саломатлик йили ҳамда Наврўз умумхалқ байрамига бағишланган биринчи босқич тадбирларини амалга ошириш бўйича йиғилиш бўлиб ўтди.

Маълумки, биринчи босқич доирасида маҳалла, корхона ва ташкилотлар ҳудудларининг санитария ҳолатини яхшилаш, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари, атроф-муҳит, инсон саломатлигини муҳофаза қилишга йўналтирилган чора-тадбирлар амалга оширилади.

Наврўз қадимий байрамларимиздан бири. Ҳозир мамлакатимиз бўйлаб халқимиз орасида Наврўз ва саломатлик, орасталик, озодалик, покланиш тадбирлари кенг миқёсда бошлаб юборилди.

Бардамбек САЪДУЛЛАЕВ

ЗИЁ МАСКАНИ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси фонди жуда бой. Бу ерда 75 тилдаги қарийб ўн миллион нусхада китоб сақланмоқда. Айни пайтда китобхонлар сони 30 минг, уларнинг йиллик ўртача қатнови 500 минг нафарни, йиллик китоб бериш эса 1750 нашрни ташкил этади.

Кутубхонанинг китоб айрибошлаш бўйича алоқалари йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Дунёнинг ўттизга яқин давлатидан 150 ташкилот билан китоб айрибошлаш йўлга қўйилган.

Кутубхонада китобхонларга хизмат кўрсатиш савиясини янада ошириш мақсадида замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланишга катта аҳамият берилмоқда. Бу борада Ғарбий Европа, Осиё давлатлари ва АҚШнинг йирик компания ҳамда кутубхоналари билан ўрнатилган ҳамкорлик ўз самарасини бераётир.

Суратда: кутубхона фаолиятидан лавҳа.

Дилшод ЮСУПОВ (ЎзА) олган сурат

Шу куннинг муаммоси

ИССИҚ СУВ НАРХИ НЕГА ОШМОҚДА?..

КЎП ҚАВАТЛИ УЙЛАРДА ЯШОВЧИ АҲОЛИ БУНДАН ТААЖЖУБДА

Ҳа, бугун айни шу масалада баҳсли, мунозарали, норози кайфиятдаги гап-сўзларни кўп эшитамиз. Гапирамиз, эшитамизу яна индамай кетаверамиз. Наздимизда, бу муаммолар шу пайтгача ҳам бўлган, бундан кейин ҳам гўё бўлаверадигандек...

Айтиш жоизки, мамлакат парламентига бўлиб ўтган сайловлар олдидан ЎзХДП қабул қилган Платформа ҳамда депутатликка сайланганларнинг кўпчилиги дастурларида ҳам коммунал хизматлар тарифларининг асоссиз ошишига йўл қўймаслик масаласи алоҳида қайд этилган.

Агар мамлакатимизнинг бош кенти — Тошкент шаҳрида айни дамларда 10 мингта кўп қаватли уй мавжудлигини ва бу уйларда миллиондан зиёд аҳоли истиқомат қилишини назарда тутсак, масала нечоғли кенг қамровли эканлигини англаб етамиз.

«Тошиссиққуввати» ишлаб чиқариш бирлашмаси Собир Раҳимов тумани бўлими бошлиғи Шавкат АЗИМЖОНОВнинг айтишича, бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 17 апрелдаги **«Коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг янги босқичи тўғрисида»**ги Фармони талабларидан келиб чиққан ҳолда Тошкент шаҳрида 2001 йилдан бошлаб аҳолига кўрсатиладиган марказлаштирилган иситиш ҳамда иссиқ сув таъминоти хизматлари босқичма-босқич ўз харажатларини ўзи қоплашга ўтказилмоқда. Шундай экан, Фармон билан тасдиқланган жадвалга мувофиқ, 2006 йилга келиб, кўп қаватли уйларда истиқомат қилаётган аҳоли кўрсатиладиган иссиқлик таъминоти хизматларининг 100 фоизга тенг бўлган тўлиқ қийматини тўлаши кўзда тутилган. Демак, аҳоли томонидан йиллар мобайнида тўланадиган фоизлар миқдори қуйидаги жадвалда акс эттирилган:

Йиллар	Марказлаштирилган иситиш	Иссиқ сув таъминоти
2003 йилда	59 фоиз	65 фоиз
2004 йилда	72	77
2005 йилда	86	88
2006 йилда	100 фоиз	100 фоиз

— Марказлаштирилган иссиқлик таъминоти ва иссиқ сув учун нархлар белгилаш қай тартибда, қоларверса, қандай идоралар орқали амалга оширилади?

— Аҳоли учун марказий иситиш (1 квадрат метр майдонга) ва иссиқ сув таъминоти (1 кишига) бўйича нархлар Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорига биноан, Тошкент шаҳар ҳокимлиги Молия Бош бошқармаси томонидан тасдиқланади. Марказий иситиш учун ҳақ тўлаш йил мобайнида иситиш мавсуми давом этадими ёки йўқми, бундан қатъи назар ҳар ойда тенг миқдорда амалга оширилади.

— Сўнгги икки йил ичида иссиқ сув ҳамда иссиқлиқ таъминотидаги нархлар неча маротаба оширилди?

— Тошкент шаҳар ҳокимлиги Молия Бош бошқармасининг 2002 йил 13 декабрдаги қарорига кўра, 2003 йилнинг 1 январида ҳамда шу йилнинг апрель ойида икки маротаба иссиқ сув ва марказлаштирилган иситиш тизимидаги нархлар оширилган. Худди шунингдек, 2004 йилнинг 1 январида ҳамда 3 сентябрида ҳам нархлар икки бора ошган. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Молия Бош бошқармасининг 2005 йил 11 январдаги қарорига мувофиқ, жорий йилнинг 1 февралидан бошлаб иссиқ сув ва марказлаштирилган иссиқлик таъминотидаги нархлар кўтарилди. Унга кўра, кўп қаватли уйларда истиқомат қилаётган аҳоли учун иссиқ сувдан фойдаланиш нархи 1 кишига 1924 сўмни; агар хонадонда иссиқ сув ҳисоблагичи ўрнатилган бўлса 1 м³ учун 443 сўм; меъёридан ортиқча ишлатилган иссиқ сувнинг 1 м³ ҳажмдагиси учун 503 сўм; шунингдек, иситиш тизими 1 метр-квадрат ҳажмдаги яшаш майдони учун 146 сўм миқдоридаги нархлар белгиланди. Республика Президентининг 2003 йил 27 мартдаги Фармонига кўра, барча тоифадаги фуқаролар учун уй-жой коммунал хизматлари тўловлари бўйича бериладиган имтиёзлар бекор қилинган ва пул компенсацияси тўлаш билан алмаштирилган.

Озод ШАРАФИДДИНОВ:

МАМЛАКАТ ЯНГИЛАНСА — МИЛЛАТ ЯШАРГАЙ!

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Қайси мамлакатда фермер депутат? Қайси мамлакатда оддий деҳқон ёки чўпон Сенатда мажлис қилади? Мажлис қилганда ҳам парламентга шунчаки келиб-кетавермайди, овоз беради, масала қўяди. Бунақа ўзгаришлар ҳамма жойда ҳам бўлаётгани йўқ.

Айрим нодавлат ташкилотлар бор, ўзларича ҳар хил тоифалар ўртасида сўровлар ўтказади. Майли, ўтказсин, ўргансин. Лекин масалани тўғри қўйиб, унга холис ният билан ёндашсин. Улардан бири ўтказган сўровида масалани мана бундай қўйибди: «Хотинингиз сиздан сўрамасдан кўчага чиқиб, кечаси соат ўнда келса, уришармидингиз?» Нима деган гап бу? Бунинг демократияга нима алоқаси бор? Эр-хотин бўлгандан кейин қаёқда юрибсан, нима қилиб юрибсан, дейди. Менимча, бутун дунёда шунақа. Оиланинг мустаҳкамлиги, эру хотинни бир-бирига боғлаб турувчи меҳр ришталари, садоқат, вафо шунда эмасми? Европанинг ахволини кўриб турибмиз-ку, туғилиш борган сари камайиб, оила қуришга қараганда унинг бузилиши кўпроқ кузатиляпти.

Оиланинг емирилиши демократиями? Хотини ярим яланғоч кўчада лақиллаб юрсаю, буни кўрган эр индамаса, демократиянинг ривожлангани бўладими? Бундай сўровларнинг замирида демократия эмас, бузғунчилик ётибди. Эркинлик, демократия ниқоби остида халқимизга хос ҳурматиззатни поймол қилиш сингдирилган. «Одамлар муносабатида, ахлоқида, хулқида чегара бўлмасин. Эр-хотиннинг ўзаро муносабатларида ҳурмат-эҳтиром, диёнат, виждон шарт эмас», қабилидаги қарашлар яшириниган. Биз Ғарбдан шуни ўрганишимиз керакми? Инсон эрки деганда мана шу ахлоқсизликни қабул қилишимиз керакми? Йўқ!

Шукрки, мамлакатимизда инсон эрки етарлича таъминланган ва таъминланмоқда. Аёлларимиз эркаклар билан тенг асосда меҳнат қиляпти, юқори лавозимларга кўтариляпти. Бунга истаганча мисол келтириш мумкин, маълумотлар етарли, исботга ҳожат йўқ. Айни пайтда Шарқдан борган одам овруполикларга, хотин-қизларингиз қўйлагининг этагини тўпиғигача тушириб юрсин, мини юбка кийиши — уят, дея ақл ўргатаётгани йўқ-ку!

Таниқли маърифатпарвар Гаспиринскийнинг «Биз Европадан жуда кўп нарсани — унинг техника-технологиясини, илғорлигини қабул қиламиз. Лекин ахлоқини қабул қилмаймиз», деган гапи бугун ҳам ўз долзарблигини йўқотгани йўқ. Инсон эрки ниқоби остида бизга тиқиштирилаётган ҳаёсизликни ўзимизга урф қилолмаймиз. Бундай қарашларнинг ёйилишига қарши турмоғимиз керак.

Афсуски, ҳаётда барчанинг, жумладан, ёшларимизнинг ҳаммаси баробар эмас. Улар орасида ҳаёлилари жуда кўп. Шу билан бирга, Ғарбга сажда қилувчи — ярим яланғоч юришни одат қилаётганлари ҳам йўқ эмас. Мен бундай ҳолдан жуда қаттиқ қуюнаман.

Ғарбда, масалан, мусиқа соҳасида буюк зотлар чиққан. Штраус, Бах, Бизе, Чайковский каби кўплаб композиторларнинг бири биридан гўзал мусиқалари бор. Аммо уларни тинглаш бугун урфдан қолаётгандек. Ҳолбуки, улар мангу, унутилмаслиги лозим бўлган буюк асарлардир. Шуларни ўйласам, катта ташвишга тушаман.

Президентимиз маърузасида фарзандлар тарбиясига алоҳида эътибор қаратди. Назаримда, фарзанд тарбиясини боғчадан, бошланғич мактабда китоб ўқитишдан, китобхонликни сингдиришдан бошлаш керак. Афсуски, бу борадаги ишларимиз кўнгилдагидек эмас.

Китоб чоп этиш, айниқса, болалар адабиётини нашр этиш соҳасидаги ишларимиз билан мақтанолмаймиз. Машҳур болалар адиби, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоев бундан 20 йил аввал бизда ва Болтиқбўйи мамлакатларида бир болага қанча китоб тўғри келишини ҳисоблаб чиққан эди. Ўша пайтларда ҳам жуда орқада эдик. Менимча, ҳозир ҳам ўтиб кетганимиз йўқ.

Болалар деярли китоб ўқимай қўйди. Нари борса, дарсликка кирган бирорта асардан парча ўқийди. Ундан нарига ўтмайди. Китобга қизиқишнинг сустлиги лоқайдликни, ҳаётга нисбатан бепарволикни кўрсатади. Болаларимизда завқ-шавқ қайнаб тошиши керак. Ҳаётга муҳаббат, билимга интилиш, синчковлик биринчи ўринда туриши лозим. Фикр доим шу йўналишда ривожлансагина, кўнгил доим мана шу йўналишда ўз майлларини қондирганидагина ёшларимизнинг ҳаёти тароватли, ишлари самарали бўлади.

Юртимизда қурилаётган юзлаб янги мактаб, коллеж ва лицейлардан фахрланган ҳолда масаланинг мана шу томонига ҳам эътибор берилишини истардим. Барча ҳавас қилса арзийдиган лицей-коллежларимиз бор. Аминманки, бу борадаги ишлар янада ривожланади, тараққий этади. Бироқ улар фақат яхши касб эгаллаш маскани эмас, яхши хулқ-одоб ортириш, миллий қадриятларимизни янада чуқурроқ сингдириш, англаш макони ҳам бўлиб қолиши лозим.

Бундай хайрли ишларни амалга ошириш, аввало, зиёлиларнинг иши. Афсуски, кўпчилик зиёлиларимиз лоқайдлик хасталигига чалинган. «Сен менга тегма, мен сенга тегмай» деган ақида билан яшашни хуш кўрадиган бўлиб қолган. Бу эски даврдан қолган ақида.

Шўро замонида зиёлилар ҳар қадамда туртки еявериб, юраги зада бўлиб қолган. Бугун ҳам баъзи зиёлилар юрагида ҳадик билан яшайди. Оғзимдан бирор нотўғри гап чиқиб кетса, ёмон отлиқ бўлиб қолмасмиканман, деб чўчийди. Ундан кўра, кел, тинчгина юрай, оч қорним — тинч қулоғим, деган тушунча айримларнинг яшаш тарзига айланиб қолган. Ишига борибкелади, бошқаси билан иши йўқ. Ҳолбуки, ҳаёт зиёлилардан ёнишни, аланга бўлиб халқ юрагини ёритишни талаб қиляпти. Бунга улар: «Йўқ, менинг эмас, қўшнимнинг юраги ёнсин», дейди. Хўш, бу иллатга қандай барҳам бериш мумкин? Мен бу саволга таълимга янги технологияларни жорий этишни кучайтириш, зиёли виждонини уйғотиш йўли билан барҳам бериш мумкин, деган бўлардим.

Зиёли етук маълумотли, фикри очиқ, мушоҳада юритадиган, халқ учун ёнадиган инсондир. Алишер Навоий сўзларини эсланг:

Одамий эрсанг, демагил одамий,
Оники, йўқ халқ ғамидин ғами.

Зиёли аҳли учун мана шу ҳикмат энг асосий қоида бўлмоғи зарур. Халқ дардида ғам-ташвиш чекмаган кишининг зиёлилиги бекор. Яна ҳазрат Навоийнинг ибораси билан айтганда, осмонда чақмоқ бўлиб чақилиб, ярқираб юргандан кўра, пастга тушиб бир мискин одамнинг ўчоғига бир тутам ўт бўлиб, қозонини қайнатишга ёрдам бериш афзалдир. Бу зиёлининг энг асосий вазифасидир.

Президентимиз белгилаб берган вазифаларни қалб амри билан, сидқидилдан адо этиш ўзини миллат равнақига, юрт тақдирига дахлдор ҳис этган ҳар бир инсоннинг, шу жумладан, зиёлиларнинг кундалик ишига айланмоғи зарур. Соҳибқирон бобомиз Амир Темур айтганидек, миллат дардларига дармон бўлмоқ барчамизнинг муқаддас бурчимиздир. Жамиятимизни демократлаштириш ва янгилашга, мамлакатимизни модернизация ва ислоҳ этишга чоғланган юртпарварларни келгуси авлодлар ҳам ардоқлаши шубҳасиз. Зеро, мамлакат янгиланса — миллат яшаргай!

Норали ОЧИЛОВ
ёзиб олди.
(ЎзА)

ИНСОН ЭЪТИҚОДСИЗ, ИЙМОНСИЗ ЯШАЙ ОЛМАЙДИ

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисидаги дастурий маърузасида мамлакатимизнинг бундан кейинги сиёсий, иқтисодий, маънавий, ижтимоий истиқболини аниқ белгилаб берди. Маърузада дин ва унинг жамиятдаги ўрни ҳақида ҳам сўз юритилди. ЎзА мухбири Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раиси Шоазим МИНОВАРОВ билан шу хусусда суҳбатлашди.

— Бугун дунёда глобаллашув жараёни кечмоқда ва мамлакатимиз ундан четда эмас. Шундай бир пайтда диннинг жамиятдаги ўрни қандай бўлиши керак?

— Глобаллашув жараёни ҳаётнинг барча соҳаларини, жумладан, маданий соҳани ҳам қамраб олмоқда. Бунинг ижобий томонлари билан бирга салбий оқибатлари ҳам йўқ эмас. Масалан, оддий тиш пастасининг рекламаси учун ҳам беҳаё саҳналардан фойдаланиш ва бундай роликларнинг айрим каналларда дамба-дам такрорланиб туриши шарқона қадриятларга, ислом қадриятлари ва тушунчаларига, ана шу тушунчалар асосида тарбияланиб келаётган халқимизга, айниқса, ёшларимизга салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Энг ёмони, бундай ҳолат мутаассиблик ғояларини тарқатаётган гуруҳларга «Мана сиз эргашаётган демократия. Турмуш тарзингизга кириб келаётган маданият фарзандларингизга нимани ўргатмоқда», дейишлари учун қўл келмоқда.

Хўш, шундай шароитда диннинг ўрни қандай бўлиши керак? Диннинг вазифаси одамларда инсоний фазилатларни тарбиялашдан, маърифат тарқатишдан, ёмон ишлардан қайтаришдан иборат.

Мамлакатимиз мустақилликка эришган илк кунларданоқ давлатимиз раҳбари маънавият соҳасига, жумладан, динга катта эътибор қаратиб келмоқда. Мустақиллик йилларида ислом дини илмига улкан ҳисса қўшган буюк юртдошларимиз Имом ал Бухорий, Имом ат-Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд, Имом ал-Мотурудий каби алломаларимиз хотираларини тиклаш, уларнинг илмий меросини ўрганиш бўйича катта ишлар амалга оширилди. Конституциямизда фуқароларнинг истаган динига эътиқод қилиш ёки эътиқод қилмаслиги, диний таълим олиши ҳуқуқий жиҳатдан кафолатланган. Мамлакатимизда ҳамжиҳатликни, тинчлик ва бағрикенгликни таъминлашга икки мингдан ортиқ диний ташкилот ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Ибодат қилиш, рўза тутиш, муқаддас жойларни зиёрат этиш учун барча имкониятлар яратилган.

Аммо четдан кириб келаётган, бизнинг миллий табиатимизга ёт, ҳатто зарарли таъсирлар — катталарга ҳурматсизлик, одоб-ахлоқ қоидаларини менсимаслик, беҳаёлик каби иллатлар, демократияни нотўғри талқин этиш айрим ёшларда худбинликнинг кучайишига олиб келмоқда. Тўғри, ёшларимизда мустақил фикр, олға интилиш, ўзига хослик бўлиши лозим ва шарт. Лекин бу бошқаларни топташ, менсимаслик мумкин, дегани эмас. Динимиз манманликни, яъни кибрни қоралайди.

Қуръони карим ва ҳадиси шариф ўзгармасдир. Инсоният йигирманчи аср сўнггида мислсиз тараққиётга эришди. Бироқ шундай бир пайтда дин ниқобидаги терроризмнинг инсониятга хавф солаётгани ташвишлидир.

Афсуски, терроризм бизнинг асримизга келиб инсониятнинг умумий душманига айланди. Президентимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида халқаро терроризмга, диний экстремизмга қарши кураш дунё мамлакатларини бирлаштирадиган асосий омил бўлиб қолганини алоҳида таъкидланади. Давлатимиз раҳбари ушбу курашда маърифий исломга ёрдам бериш шу куннинг долзарб вазифаси эканини алоҳида уқтириб ўтди.

— Халқаро терроризмнинг катта қисми муқаддас ислом дини ниқоби остида амалга оширилмоқда. Бунинг оқибатида мусулмонлардан қўрқиш кайфияти шаклланиб қолмаяптими?

— Афсуски, шундай. Бугунги диний экстремизм бундан 50-60 йил илгариги диний экстремизм ва фундаментализмдан бир неча баробар хавфлидир. Чунки дин ниқоби остида ақидапарастлик ғоялари билан қуролланган экстремизм гиёҳванд моддалар тарқатиш, қурол-яроғ савдоси, халқаро терроризм билан қўшилиб кетди.

Ақидапарастлар диннинг асл қадриятлари билан ислом давлати тузиш, халифаликка қайтиш каби бетайин ва бебурд сиёсий мақсадларни қориштирмоқчи бўляпти.

Бугунги кунда одамлар терроризм қандай бало эканини тушуниб етдилар. Бинобарин, унинг ислом динига ҳеч қандай алоқаси йўқлигини англади. Ислом динини ниқоб қилиб манфур ишларни амалга ошираётган бир гуруҳ мутаассиблар ер юзидаги бир миллиард уч юз миллиондан ортиқ мусулмоннинг дунёқарашини белгилай олмайди.

Диний экстремизм қандай кўринишда бўлмасин, қандай ном билан аталмасин, унинг асосий мақсади ҳокимият тепасига чиқиш. Хоҳ у ислом пуританизми бўлсин, хоҳ бутун дунё мамлакатларини бирлаштириб, ягона халифалик ўрнатаман, деган хом хаёллар билан ўзларини ҳам, ўзгаларни ҳам чалғитиб юрган «ҳизбут таҳрир»чилар бўлсин — уларнинг ҳақиқий ислом динига заррача алоқаси йўқ.

Аксинча, бундай ҳаракатлар ислом динига қарши ишлаяпти. Давлатимиз раҳбари Россиянинг «Независимая газета»си мухбирига берган интервьюсида «Мусулмончиликни террорчилик билан тенглаштириш, бен Ладенни бутун ислом намояндаси деб кўрсатишга уриниш ҳоллари ҳам учрайди. Бундай қараш ва талқинлар ислом дини ҳақида нотўғри тасаввур уйғотади ва бутун дунёда унга нисбатан таҳликали муносабатни келтириб чиқаради», дейди. Бордию бугун қаердадир ислом динидан чўчиш кайфияти учраётган бўлса, бунга дин эмас, динни ниқоб қилиб олган экстремизм айбдордир. Улар ислом тарафдорлари эмас, аксинча, ислом динининг душманларидир.

Ислом — маърифий дин. У нафсга берилишни, мол-дунёга ҳирс қўйишни, риёкорликни, ёлғончиликни, ғийбатни, такаббурликни, манманликни, фаҳшни, ичкиликбозликни — қўйингки, онгли инсон ножоиз деб ҳисоблайдиган барча иллатларни қоралайди. Дунёвий жамият учун хос бўлган умумахлоқий меъёрлар динимизнинг ушбу қоидаларига ҳамоҳангдир.

Миллий уйғониш, ўзликни англаш каби маънавий-руҳий жараённи бошимиздан кечираётган бир пайтда эзгулик туйғуларининг тўла шаклланишига, унинг тантана қилишига кўпроқ эҳтиёж сезяпмиз. Эзгулик ва яхшиликнинг такомилга етиши эса ўзимизга — қонимизда яшаётган миллий ғурурнинг, бизга маънавий-руҳий қувват берадиган ўзлигимизнинг камолига, уни нечоғли асраб-авайлашимизга боғлиқ. Буни барчамиз ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

ЎзА мухбири
Воҳид ЛУҚМОНОВ
суҳбатлашди

БУЮК ХИТОЙ ДЕВОРИ ОША

ТОШКЕНТ — ШАНХАЙ ҲАВО КЎПРИГИ ОЧИЛДИ



Самога кўтарилган «Боинг-767» қанотлари остида Тошкент ажиб бир манзара касб этган. Гўзал ва сехрли шаҳар кўз ўнгингизда намоён бўлади. Замонавий иншоотлар, катта йўллар, кўприклар баҳор қуёшининг заррин нурларида гавҳардек товланади.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг Тошкент — Шанхай йўналиши бўйича янги халқаро қатнови шундай бошланди.

Хитой авиаташувлар бозори — кўплаб авиаташувчилар учун Жанубий Осиё ва Тинч океани минтақасидаги энг қизғин бозорлардан бири. Миллий авиакомпаниямизнинг бу бозорга кириб келганига эса ўн икки йилдан ошаяпти. 1992 йилнинг октябрида очилган Тошкент — Пекин ҳаво кўприги эндиликда жўшқин ривожланаётган самарали авиайўналишга айланган. Ҳар йили 30 мингдан ортиқ йўловчи, шу жумладан, Европа мамлакатларига бораётган транзит йўловчилар ҳам ушбу йўналишдан фойдаланмоқдалар. Айтиш керакки, ҳафтасига икки марта бажарилаётган қатновлар амалда доимо йўловчилар билан тўла.

Олти ярим соатлик парвоздан сўнг «Ўзбекистон ҳаво йўллари»нинг самолёти Шанхай шаҳрининг «Пудонг» аэропортига оҳиста қўнди. Аэропортда ўзбекистонлик меҳмонларни Хитой Халқ Республикаси авиация уюшмаси, Шанхай шаҳар ҳокимияти вакиллари, миллий авиакомпаниямизнинг Хитойдаги ваколатхонаси ходимлари, Хитой маданият ва оммавий ахборот воситалари вакиллари зўр мамнунлик билан кутиб олишди. Ўзбек ва хитой миллий куй-қўшиқлари бир-бирига уланиб кетди. Янги қатнов очилиши тақдимотида ҳозир бўлганлар Тошкент — Шанхай ҳаво йўналишининг очилиши мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини сифат жиҳатидан янги поғонага кўтаришини билдиришди.

— Аҳолиси 17 миллиондан ортиқ бўлган Шанхайда мамлакат бутун саноат маҳсулотининг 15 фоиздан кўпроғи ишлаб чиқарилаяпти. Боз устига Хитой илмий-техник салоҳияти ҳам шу ерда жамланган. Шанхай наинки Хитойнинг, балки бутун Жануби-Шарқий Осиёнинг йирик саноат ва молиявий марказидир, — дейди миллий авиакомпаниямизнинг Хитойдаги бош вакили Рафиқ Ильясов, — «Пудонг» эса Жанубий-Шарқий Осиёнинг энг йирик аэропорти ҳисобланади, у кунига 400 га яқин самолётни қабул қилади. Жаҳоннинг 70 мамлакатига ва Хитойнинг ўзида 60 авиайўналиш бўйича парвозлар айнан шу ердан бажарилади.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси Бош директорининг биринчи ўринбосари Эгамберган Полвонов фикрича, Тошкент-Шанхай ҳаво кўпригининг истиқболи катта, у мамлакатлар ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш учун янги имкониятларни очади.

Алишер РЎЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири
Тошкент — Шанҳай — Тошкент



Янги тизим ишга тушади

Ўтган йилнинг охирида тўфондан талафот кўрган мамлакатлар БМТ билан биргаликда цунамининг олдини олувчи тизимни ишга туширiш тартибини мувофиқлаштириб олишди.

Бу тизим уч босқичда ишга тушурилади. Биринчи босқичда Япония ва АҚШ бу ҳудуддаги сейсмик фаоллик ҳақидаги маълумотларни уларга етказиб турадиган бўлди. Иккинчи босқичда Таиланд, Индонезия ва Малайзия қирғоқларида океан тўлқинлари ҳаракатланишини кузатувчи мосламалар ўрнатилади. Борлари эса янгиланади. 2006 йилга келиб тизимнинг учинчи босқичи амалга оширилади. Унга кўра, тўфоннинг олдини олиш бўйича ҳудудий марказ қурилади ва унда Ҳинд океани бассейнида ўрнатилган датчик ва сенсорлардан юборилган маълумотлар жамланади.

БМТ ва ҳукуматлараро океанография Комиссияси вакиллари молиявий масалалар ва датчиклар ўрнатиладиган жойларни келишиб олишлари керак.

БМТ фикрича, мамлакатлар ўз фуқароларини тўфон ёки зилзила пайтида қандай чора кўриш зарурлигини ўргатмаса тизимни ўрнатиш бўйича қилинган барча ишлар самара бермайди.

Қурбонлар ёд этилди

Кеча Мадридда 2004 йилнинг 11 март куни амалга оширилган террорчилик ҳаракати қурбонлари ёд этилди. Ушанда бирданига 4 поезд портлатилиши оқибатида 191 киши ҳалок бўлган эди.

Шу куни кўпгина давлат раҳбарлари Мадридга терроризмга қарши курашиш стратегиясини ишлаб чиқиш учун йиғилишди.

«Ал-Қоида»нинг Марокашда жойлашган бўлими бу террорчилик учун маъсулиятни ўз бўйнига олган.

Мазкур иш бўйича 100 нафар одам қўлга олинган.

Кучли портлаш

Ироқ ҳукумати вакилларининг хабар беришича, мамлакат шимолида жойлашган Мосул шаҳрида кучли портлаш содир бўлди. Террорчилик акти оқибатида 46 одам ҳаётдан кўз юмди, 100 га яқин киши жароҳатланди.

Портлаш дафн маросими бўлиб ўтаётган Шоҳидон масжидида рўй берган.

Хусусий авиакомпания

Хитойда биринчи хусусий Okay Airways авиакомпанияси фаолият бошлади. Бортида 81 йўловчи бўлган одам Тяньцзинь шаҳридан Куньминга жўнаб кетди. Okay Airways авиакомпанияси парвозларни 10та Boeing 737 самолётида амалга оширади.

Дарё тошқини

Қозоғистон Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг маълум қилишича, мамлакат жанубида Сирдарё тошиши туфайли Қизилўрда областидан 350 одам хавфсиз жойга кўчирилди.

Дарё тошқини оқибатида 1,2 минг гектар жой сув остида қолди.

5

Ўзингизга аён, Собир Раҳимов тумани пойтахтимиздаги энг йирик туманлардан бири бўлиб, бугунги кунда бу ерда 300 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Бугунги кунда 641 та кўп қаватли уйда яшовчи аҳолининг иссиқ сув ва иситиш тармоқлари олдидаги қарзи жорий йилнинг 1 январь ҳолатига 2 миллиард 100 миллион сўмни ташкил қилади. Айни дамларда кўп қаватли уйларда яшовчи аҳолидан бу қарзларни ундириш чоралари кўрилаётгани яхши самара бермоқда. Шу мақсадда, туманимиздаги маҳаллалар вакиллари, Тошкент шаҳар ҳокимлиги Молия Бош бошқармасининг 10 нафар ходими, Тошкент шаҳар ички ишлар Бош бошқармасидан 50 киши, Ҳамза, Юнусобод, Акмал Икромов туманларидан инспекторлар жами 164 кишидан иборат вакил аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш савияси ва истеъмолчилардан пул йиғилмаётганлиги сабабларини ўрганиб чиқиш бўйича мониторинглар ўтказишмоқда. Мониторинг жараёнида, банклардан ҳам 10 нафар мутахассис иштирок этаётир. Ана шу тадбирлар натижасида, илгарилари аҳолидан кунига ўртача 5-6 миллион сўм коммунал қарзлар ундирилган бўлса, айни дамларда бу миқдор ўртача 9 миллион сўмни ташкил этмоқда...

Суҳбатдошимизнинг фикрларига эътирозимиз йўқ, бироқ, туман аҳолисининг иссиқ сув ва иситиш тармоқлари олдидаги қарзи жорий йилнинг 1 январь ҳолатига 2 миллиард 100 миллион сўмни ташкил қилганлиги ёки бўлмаса, 280 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қиладиган Мирзо Улуғбек туманида ҳам бу рақам 1 миллиард 315 миллион сўмни ташкил этаётганлигини нима билан изоҳлаш мумкин? Тўғри, пойтахтимиз туманларида иссиқ сув нархи ошганлигини акс эттирувчи мурожаатномалар чиқарилган. Бу варақалар турар-жой бинолари пештоқига илиб ҳам қўйилган. Бундан ташқари, «Тошкент оқшоми» ҳамда «Вечерний Ташкент» газеталарида шу йилнинг 1 февралидан эътиборан иссиқ сув ҳамда иситиш тизимлари нархининг оширилиши ҳақида аҳоли 15 кун олдиндан хабардор ҳам қилинган. Шу ўринда ҳақли савол туғилади: **Унда нега ҳануз кўп қаватли уйларда яшовчи аҳоли нархлар ошганлигидан бехабар қолмоқда?**

6

Собир Раҳимов туманидаги **«Дўстлик» уй-жой мулкдорлари ширкати**дамиз. Ушбу ширкатга қарашли, 30-уйнинг 28-хонадонида истиқомат қилувчи **Бахтиёр Валихўжаев**дан сўрадик:

— Иссиқ сув нархи қачон ошганлигини эслай оласизми?

— Қачон ошди? Саволимизга савол билан жавоб беради у. — Мен шу уйнинг «домкоми»ман. Агар ошган бўлса, биринчи бўлиб мен билишим керак...

7

Тан олиб айтиш керак, кўп қаватли уйларда истиқомат қилувчи аҳолининг аксарият қисми коммунал тўловларнинг йил мобайнида неча маротаба ёки қанчага ошганлигини мутлақо билмайди.

«Тошиссиққуввати» ишлаб чиқариш бирлашмаси Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 469-моддасига биноан аҳолига қилган мурожаатномасида иссиқлик энергияси етказиб бериш хусусида сўз юритиб, жумладан, шундай дейди: **«...Иссиқлик энергияси етказиб бериш учун шартнома, мижознинг иссиқлик таъминоти тармоқларига биринчи ҳақиқий уланган пайтидан бошлаб тузилган ҳисобланади. Бунда уй-жой эгаси «Иссиқлик энергияси етказиб бериш учун ҳақиқий шартнома» тузилган ҳолдаги барча ҳуқуқ ва мажбуриятларга масъулдир...»**

Халқимизда доно гап бор: «Мижоз — ҳамиша ҳақ». Кузатувимиз асосида шу нарсага амин бўлдикки, бу талаблар кўп ҳолларда бирлашманинг жойлардаги бўлимлари томонидан бажарилмаяпти. Буюртмачи бўлган аҳоли эса ўз мажбуриятларини тўлиқ билмайди. Иссиқ сув етказиб берувчи идора ҳамда яшовчилар ўртасида кўпгина туманларда шартномалар тузилмаган ҳам.

8

Жойлардаги ҳокимликлар ва соҳага мутасадди ташкилотларга аҳолидан келиб тушаётган ариза ва шикоятларнинг таҳлиллари шуни кўрсатмоқдаки, бугун пойтахтимизда коммунал хизмат кўрсатиш даражаси, айниқса, иссиқ сув ва иситиш таъминотидаги амалий ишлар аҳоли талабларини қониқтирмаяпти. Биргина мисол. Шаҳримизнинг Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлигига ўтган 2004 йилда фуқаролардан коммунал хизмати кўрсатиш соҳасига доир 615 та шикоят аризаси тушган бўлиб, уларнинг бевосита 443 таси, Шайхонтоҳур туманидан аҳолининг ана шундай арз-додлари битилган 252 та аризанинг тенг ярми бевосита иссиқлик таъминотидаги ноқулайликларни акс эттириб турибди.

Бундай далилларни кўплаб келтириш мумкин. Аммо, бу фикрларимиз билан кимнидир айбламоқчи эмасмиз. Аҳоли коммунал ҳамда уй-жой тўловларини тўлай олмаётганлигининг асосий сабабларини соҳа мутасаддилари чуқурроқ ўйлаб кўрсалар мақсадга мувофиқ бўларди. Зеро, коммунал хизмат кўрсатиш тизимидаги, айниқса, иссиқлик таъминотидаги мавжуд муаммо ва нуқсонлардан ҳеч ким кўз юмолмаслиги, табиий.

Соҳибжон САЛИМОВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири

«Қариси бор уйнинг париси бор» танловига

«ЯХШИЛИКНИ ЮЗИ ОЧИҚЛАРДАН КУТИНГ»

ДЕЙДИ ВОБКЕНТЛИК 105 БАҲОРНИ ҚАРШИЛАЁТГАН САЛОМАТ БУВИ ҲАЙИТОВА

Бир гал етти улуғ пирнинг бири — Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий ҳазратлари мангу ором топган Вобкентга борганимда Пермаст қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Қаюм Қозоқов «бизда юз ёшдан ошганлар бор, газеталарингизни кузатиб бораяпман, улар ҳақида яхши мақола ва суҳбатлар бериб борилмоқда. Юринг, юз билан юзлашганлардан биринкига олиб бораман», деб қолди.

Анжирбоғ деганда вобкентликлар бир нечта қишлоқчалар тўпини тушунишади. Номи ўзига монанд бу гўшада боғроғлар кўп, ҳавоси тоза. Одамлари ҳам хушчақчақ, меҳмондўст, келган кишининг ҳурматини жойига қўйишади. Биз сўроқлаб борган онахон ҳам шу масканда умргузаронлик қиларканлар. Бир қарашда момо яшайдиган хонадоннинг бошқалардан фарқи йўқ: оддий, озода томорқа, молхол, бир этак бола дала юмушлари билан банд. Етмиш етти ёшни қоралаган Ярашбобо бизни волидаи муҳтарамаси турган хонага бошларкан, «онамизнинг кўзлари хиралашган бўлсалар-да, ҳаммамизни овозимиздан тиниидилар», деб қўшиб қўйди.

Уйнинг тўрида ўтирган момо саломимизга алик олиб:

— Ёнимга яқинроқ келинг, болам, — деди, — мени сўраб келибсизлар, сизларни Худо сўрасин.

Саломат момога боқамиз, фариштадек озода, келину неваралари оқ ювиб, оқ тараган. У кишини толиқтирмаслик учун кўп саволга тутмасак-да, онахоннинг ўзлари бор гапни айтиб бердилар:

— Бошимдан кўп қийинчиликлар ўтди, аммо барчасига бардош бердим. Беш ўғил, икки қиз кўрдим. Икки ўғлим, эрим оламдан эрта ўтиб кетишди. Умрим далада кетмон чопиш билан ўтди. Бухоро амири замонларини, уруш йилларидаги бор азобни кўрдик. Ҳамиша ўзимни меҳнат билан овутдим. Болаларим оч қолмасин дедим, қийинчилик кўрганим учун ҳаммага яхшилик қилдим. Ҳеч қачон бировга ҳасад қилган эмасман. Чақимчилардан узоқ юрдим, ҳаром луқмадан ҳазар қилдим. Ҳамиша саҳар уйғонаман. Айтадилар-ку саҳар турганнинг ризқи саккиз деб. Эрта турган аёлнинг бир иши ортиқ бўлишини келинларимга мудом уқтираман. Бунинг устига тозаликни хуш кўраман. Ахир, тоза жойда дард, ғубор қолмайди-да. Узоқ умр кўрганим ҳам шундан бўлса ажабмас.

Онахон озгина тин олди. Невараси Гулбаҳор бувисига чой узатди. Шофиркондаги касб-ҳунар коллежида ўқиркан, тикувчиликни ўрганаётганмиш. Ўқиши тугади дегунча бувижониси ёнига ошиқади. Момонинг эгнидаги янги кўйлакни ҳам ўзи тикиб берибди.

— Дилозорлик ёмон, бахиллик ундан ҳам. Бахил кишининг туйнугидан ел, эшигидан эл кирмас деганлари рост. Буни ҳозирги ёшларга тушунтириш бизлар учун ҳам фарз, ҳам қарз. Ҳукуматнинг ёшларга эътиборидан жуда хурсандман. Ҳеч кимдан кам бўлишмасин дейди-да. Бу дунёда ҳунари бор одам ҳеч қачон хор, бирор нарсага зор бўлмайди. Шунинг учун набира, эвараларимга кўп бор айтаман, бирон ишнинг бошини тут, касб эгалла деб.

Саломат буви қариликни иккинчи гўдаклик деб таъкидларкан, қариси бор уйда ҳамиша мулойим муомала, меҳр асосий ўринда туриши керак дейди. Ҳақ гап бу.

— Онангнинг яхшилигини бемор бўлганда биларсан деган экан улуғлар, — дейди момонинг ўғли Яраш бобо. — Бирор ерим оғриса борми, онамнинг оромлари йўқолади. Кенжа укам чўпон. У узоқ ҳаяллаб қолса хавотир оладилар, касал бўлиб қолдимикин деб томоқларидан сув ўтмайди. Она — она-да, боласини ўзидан кўп асрайди.

— Эллик йилдан буён қайнонамнинг хизматидаман, — дейди момонинг келини Сафара буви. — Яқин-яқингача ҳамма ишда менга кўмак бериб келдилар. Бирор нарсадан нолиганларини билмайман. Сабр-қаноатда бувимга тенг келадигани йўқ чамамда. Борига қаноат қил, йўғига сабр дейдилар мудом.

— Дарвоқе, момо оиласида маслаҳатсиз иш қилинмайди, — дейди Бозоржойи маҳалла фуқаролар йиғини раиси Маҳмуд Бақоев. — Баъзан ўзимиз ҳам у кишидан маслаҳат сўраймиз. Халажиён қишлоғида тўй-маъракa момосиз ўтмайди. Ёш болаларнинг бешик тўйи, қизларнинг қулоқ тешдиси момо билан файзли.

Манзилимизга қайтарканмиз, қулоғимиз остида момонинг яхшиликни юзи очиқлардан кутинг, деган гапи ботбот жаранглагандек бўлди. Ҳа, Вобкент туманида бундай чеҳраси очиқлар жуда кўп. Улар бор экан, бугун юздан ошган ўттизга яқин онахонлар ўзларини меҳр оғушида ҳис этаверадилар. Зеро, кексаларнинг дуосини олаётган вобкентликларнинг юки асло ерда қолмайди.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ДУНЁ ПОЛВОНЛАРИ ЯНА ТОШКЕНТДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Кейинги йилларда Гран-при турнирлари ва ёшлар ўртасида ўтган жаҳон чемпионатига юксак савияда мезбонлик қилган мамлакатимиз пойтахтида Жаҳон кубоги беллашувларига ҳам пухта ҳозирлик кўрилди.

Хўш, ҳозирги пайтда қитъа, жаҳон чемпионатлари ҳамда олимпиадаларда юксак натижаларни қўлга киритаётган эркин курашчиларимиз Жаҳон кубоги беллашувларида қайси таркиб билан қатнашади?

— Жаҳон кубоги беллашувларида энг сара таркиб билан қатнашамиз, — дейди **терма жамоа катта мураббийи Владимир Орлов.** — Жамоа асосини тажрибали курашчилар ташкил этса-да, мазкур нуфузли мусобақада бир қатор ёш ва умидли спортчиларга ҳам ишонч билдирилмоқда. Эндигина йигирма ёшга тўлган Сослан Тигиев (74 кг.) ана шундай иқтидорли курашчиларимиздан бири. У февраль ойида Киевда ўтган халқаро турнирда муносиб қатнашиб, мутахассисларда илиқ таассурот қолдирган.

Бир неча йилдан бери тажрибали мураббийлар Олим Ҳикматов, Дамир Ҳусаиновлар қўл остида ўз маҳоратини ошираётган хоразмлик 19 ёшли Жалол Қурбонов(96 кг.)га ҳам мутахассислар умид билан қарашмоқда. Ўз вазн тоифасида Ўзбекистон чемпиони, Россия очиқ чемпионати кумуш медали совриндори бўлган Жалол мутахассислар фикрича, Жаҳон кубоги беллашувлари кашфиёти бўлса ажабмас. Терма жамоамизнинг иқтидорли курашчиларидан яна бири 21 ёшли Мансур Мирзаев (120 кг.)дир. Ўтган йил якунига кўра «Йилнинг энг яхши мураббийи» деб топилган Маъмур Рўзиевнинг шогирди бўлган бу ёш полвоннинг маҳорати тобора ошиб бормоқда.

Икки кун давом этадиган ушбу мусобақада, шунингдек, Осиё чемпиони, жаҳон чемпионати совриндори Адҳам Очилов (55 кг.), ёшлар ва катталар ўртасида жаҳон чемпиони, Осиё чемпиони, Афина олимпиадаси қатнашчиси Дилшод Мансуров (66 кг.), Дамир Захарт-динов, Артур Тавказахов (66 кг.), Магомед Гаджилалов, Руслан Хинчагов (84 кг.)лар ҳам ватанимиз шарафини ҳимоя қилишади.

— Юртимизда ўтаётган мазкур мусобақа мен учун Афина олимпиадасидан кейинги илк жиддий синов бўлади, — дейди халқаро тоифадаги спорт устаси Дилшод Мансуров. — Ҳозир жисмоний тайёргарлигим жуда яхши, кайфиятим аъло. Жаҳон кубогида фақат бош совриН учун гиламга чиқаман.

Эркин ХОЛБОБО,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Кеча пойтахтимизда халқ таълими тизими раҳбар ходимларининг кенгайтирилган Ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вазирлик, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими соҳаси мутасадди раҳбарлари ҳамда барча шаҳар, туман ХТБ мудирлари иштирок этди.

Ҳайъат йиғилишида Президент Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси ҳамда Оқсаройда Вазирлар Маҳкамасининг янги таркиби билан бўлиб ўтган йиғилишдаги нутқида қўйилган вазифаларнинг ижросини таъминлаш, соҳада ўтган йили амалга оширилган ишлар якунларига оид

МАМЛАКАТ. МАКТАБ. МУАЛЛИМ

масалалар муҳокама қилинди. Шунингдек, молиялаштириш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисобот ишларини аниқ йўлга солиш, молиявий қонунбузарликларнинг олдини олиш ҳамда **«2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури»** ижросини таъминлаш борасида фикр-мулоҳазалар айтилди.

Халқ таълими вазири Туробжон Жўраев айрим раҳбарлар соҳадаги ислоҳотларнинг асл моҳиятини етарлича тушуниб етмаётгани, хотиржамлик ва ўзибўларчиликка йўл қўяётгани, ажратилаётган маблағларни мақсадсиз сарфлаш, давлат мулкини талон-торож этиш ҳолатлари учраётганини қаттиқ танқид қилди. Бундай салбий кўринишларга барҳам бериш ва қарши курашишга доир вазифалар белгилаб олинди.

Ҳайъат йиғилиши кун тартибидан келиб чиқиб, республикадаги барча туман халқ таълими бўлими мудирлари учун икки кунлик ўқув-семинари ташкил қилинди.

Зайниддин МАМАДАЛИЕВ

Янги китоб

«КУЛИБ ТУР, АЗИЗИМ»

Қўлимда Қўчқор Норқобилнинг китоби. Ўқиб анча мамнун бўлдим. Яхши!

Қўчқор Норқобил шоир. Шунинг учун унинг насриям — шоирона. Мана бу жумлани ўқинг: **«Шоир сигарет тутатди. Нам ҳавода сигарет тутуни буралиб юксакка ўрлади. Бу ҳолат шоир учун мароқли эди. Ёмғир. Гираширалик. Салқин ҳаво... У кейинги бекатга яёв юргиси келди».** Бу ерда гап асар қаҳрамонининг шоирлиги ҳақида эмас, умуман тасвир ҳақида — аниқроғи, борлиқни қабул қилиш сонияси ҳақида кетяпти... Лекин Қўчқорнинг насрида мана бундай парчаларниям ўқийсиз: **«Манави ҳайкаллар нима қип турибди? — деб сўрайди мухбир. Бригадир жавоб беради: — Ош-нон сўрамаса, турибдида, ука...»** Нақадар ҳаётий диалог. Энди мана бу дахшатли парчани ўқиб кўринг, илтимос:

«Ринат машинани тўхтатиб, кабинадан бошини чиқарди... Кейин АКСУ автоматини олиб, болага тўғрилади.

— Нима қиляпсан? Шошма! У башнияйдан чиқиб, Ринатнинг устига ўзини ташлади. Бўғиб олди. Юзига тарсаки туширди. Ринат бор овоз билан бақирар, «Отаман, сени ҳам отаман, ўзимни ҳам отаман, ҳаммангни отаман», деб уввос соларди. Кейин машинадан тушиб, қўлида қурол билан норeаллик гир айланиб югура бошлади. У кабинадан сувли идишни олиб, Ринатнинг йўлини тўсиб чиқди. Чалиб йиқитди. Бошидан идишдаги бор сувни қуйиб юборди. Ринатнинг овози ўчди. Атрофига аланглаб қарарқан, эзилиб-эзилиб йиғларди. У Ринатни суяб машинага олиб келаркан, ўзи ҳам унсиз-унсиз йиғларди...»

Бу қандай тасвир бўлди? Ҳаётий десанг, ўхшамайроқ кетади: қаҳрамонга қўшилиб муаллиф ҳам эловсираётганга ўхшайди.

Ҳамма гап ана шунда, биродарлар!

Қўчқорнинг шоирона насрида реаллик билан нореаллик кўпинча омухта бўлиб кетадики, бунга эришиш жуда қийин-е: биринчидан, бундай ирреалистик наср тажрибалари бизда йўқ. Иккинчидан, бу йўл ман-ман деган адибни ҳам улоқтириб-ўтлатиб кетади, демак, асар мақсадидан келиб чиқадиган чегарагина уни тутиб туриши мумкин. Энди, асарнинг мақсади — уруш фожиасини, урушнинг инсон руҳидаги ўзгартиришларини, руҳдаги изтиробли тўлғоқларни тасвирлаш ва оқибат унинг фожиа натижасини кўрсатишдан иборат бўлса, ҳали ёш, дунёвий адабиётнинг бу борадаги тажрибалари билан

энди таниша бошлаган ва шу асно ўзини кашф этаётган ёзувчига нақадар оғирлик тушади.

Аммо Қўчқорвой шу оғир йўлни танлаган кўринади. Нимаям дер эдик?

Эй, Қўчқоржон, дадил бўлинг! Баланд дорга осилибсиз... Энди туя миниб олисни кўзламоқ керак: бу омухта насрда меросимиз бўлгудек асарлар яратишни мўлжаллаш ва ўзини шунга сафарбар этиш керак!

Акс ҳолда адабиётимиздаги жўн, содда, ишланган йўллардан бирига тушиб олмоқ лозим...

Шукур ХОЛМИРЗАЕВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

Ўн саккиз минг олам

ДЕНДРАРИЙ — ЖАННАТ БОҒИ!

КУМУШ ҚИШ, ЗУМРАД БАҲОР, ЗИЙНАТЛИ ЁЗ, ОЛТИН КУЗ МУЖАССАМ БЎЛГАН МАСКАН — ЖАНУБИЙ ЎЗБЕК ТАЖРИБА СТАНЦИЯСИ ТААССУРОТЛАРИ

Бу маконнинг турфа дов-дарахтлари доимо яшнаб туради: кишиларни мафтун этиб, ўзига ошуфта айлайди, кўзлар қувонади, диллар яйрайди. Табиати, иқлими, манзараси, ўсимлик ва ҳайвонот оламининг бу мўъжаз ўлкаси Денов туманида жойлашган Жанубий Ўзбек тажриба станциясидир.

У доимо одамлар билан гавжум. Кимдир табиат фусункорлигига маҳлиё бўлиб ташриф буюрган бўлса, кимдир ҳордиқ чиқаришга, яна бировлари сайроқи қушлардан баҳра олишга келишган. Йилнинг тўрт фаслида ҳам турфа, анвоий гуллар мужассам: бири Америкадан, бошқаси Голландиядан, яна... Арабу Хитойдан келтирилган. Оқ, қизил, яшил, сариқ, пушти ранг... Узоқ термулиб ҳам тўймайсиз. Юраклар ажиб ҳисларга чулғанади. Чарчоқни унутиб, ҳаётга янада умид, янада ҳавас кўзлари билан боқасиз.

Дендрарий — табиат мўъжизаси. У — атроф кўркамлиги, кислород манбаи. Энг муҳими — соғлик ғарови. Мевали ва манзарали дарахтларни кўпайтириш, асраш, сақлаш ва янги навларини яратиш асосий вазифа бўлиб, жамият ва келажак авлодларга бебаҳо мерос.

Станцияни нафақат Сурхондарё вилоятида, балки Марказий Осиёда ўсимликлар дунёсининг ноёб хазинаси дейиш мумкин. Умумий майдони қарийб 15 гектарни ташкил этади. 7 гектарида Дендрарий жойлашган. Ўтган йиллар давомида мазкур боғ мамлакатимизнинг турли вилоятларига бир миллион донадан кўпроқ мевали-манзарали дарахтлар етказиб берди.

— Бу ерда 700 турдан ортиқ ўсимлик, мевали ва манзарали дарахтлар, бута ҳамда чала буталар синовдан ўтказилган — дейди **директор ўринбосари Қайнар Файзиев.** — Шундан тенг ярми бугун мавж уриб ривожланмоқда. Настариннинг 10 хили, игнабаргли арчаларнинг 24 тури, Японияндан келтирилган «Магнолия», Америка ёнғоқлари, Африка чала бутаси, Грузиянинг хуштаъм дафна ялпоқли дарахти, Россиянинг бетакрор «Оқ гул»и... Хуллас, бебаҳо илмий лаборатория...

... Мусаффо ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олгингиз келади, алланечук майинликни туясиз. Ўт-ўланлар ифори, мевалари ғарқ пишган боғлар... Ёзнинг жазирама кунларию, саховатли кузнинг сахийлиги қоришиб кетгандек гўё...

Бизни дастлаб йил боши — баҳор кутиб олди. Америка арчаси энди-энди ниш отиб, кўк либосга бурканмоқда. Беихтиёр унинг нинабарглари ушлайсиз: пахтадай юмшоқ, турфа рангли жилолар... Пояндоздек тўшалган «Пилюшин»нинг ўткир ранги қуёш нуридан тўйиб эмгандек. Бу ўт ҳам Америкадан келтирилган. Зах жойларда авж билан ривожланиб, бир йилда 25-30 метргача ўсади.

Аҳмад МАВЛОНОВ, боғ бригадири: Мен сизларга баҳор ва ёз фаслларини мужассам этган бебаҳо гулларимизни кўрсатай: бу — япон беҳиси. Йил давомида алвондек қип-қизил очилиб оппоқ бўлиб гуллайди. Олисдан қарасангиз, гулни қордан, қорни гулдан ажратолмайсиз.

— Куз фаслига етгунча ҳали анча бор, — дейди Қайнар ака кулиб, — унгача сизга баъзи дарахт ва ўсимликлар ҳақида қисқача гапириб берай: — мана бу «Ҳимолой кедри». У асосан пурвиқор тоғларда ўсади. Совуққа чидамли. 1967 йилда Тожикистон Республикасидан олиб келгандик.

Шимолий Америкада ўсувчи «Ботқоқ сарви»ни эса дендрарийга бундан 40 йил аввал келтиришган. Очиқ кўк рангли бу дарахтнинг бўйи — 30, тана айланаси 3 метргача боради. Илмий лабораторияда сарвларнинг қора рангли ва эҳром шаклида ўсадиган турлари ҳам бор... Унинг ёнидагиси «Ҳиндистон настарини». Бизда ҳозир настариннинг 7 тури мавжуд. Улар май ойидан сентябргача гуллайди. Оқиш, пушти, қизил, оч қизил гуллар... Ҳиди муаттар.

— Табиатнинг ўз қонуни, инкор этиб бўлмас қоидалари бор, — дейди **станция директори Ҳайдар Хўшматов.** — Нур билан соя басма-бас юрганидек, яхшилик ва ёмонлик ҳам доимо ҳамроҳ. Кўра олмаслик, ҳасад — ўсимликлар дунёсида ҳам мавжуд. «Хитой печакгули» ана шу тоифага мансуб. У бўғма илон сингари дарахтларни «бўғиб» ўсади. Биридан иккинчисига чирмашади. Ва ниҳоят ўсимлик қурийди. Ўзиям тез кўпаяркан...

Сал нарида куз — йиғим-терим фаслига дуч келдик. Йигирмага яқин йигит-қиз дафна ялпоғини поясидан ажратиб, махсус идишларга жойлашмоқда.

— Бу субтропик ўсимлик. Маҳаллий шароитга тез мослашади, — давом этди директор. — Баландлиги 5-6 метрдан ошмайди. Дунёда унинг мингга яқин тури бўлса, энг саралари бизнинг дендрарийимизда. Ундан қимматбаҳо эфир мойи олинади. У парфюмерия ҳамда озиқ-овқат саноати учун жуда зарур. Асл ватани — Грузия. Лекин бизда ҳам яхши ўсди. Жануб қуёшининг тафти ўзгача-да...

... Сўнгги йилларда дендрарийга тустовуқ, бедана, булбул каби қуш ва паррандаларнинг қайтгани янада қувонарли. Уларни кўпайтириш учун ҳаракатлар бошланган. Тўғри-да, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини айро этиб бўлармиди..?

... Пешинга яқин ортга қайтдик. Бир томондаги 20 сотих майдонда 2 йиллик ноёб арчалар етиштирилаётган бўлса, иссиқхонада 1,5 минг туп лимон парвариш қилинмоқда. Унинг ёнида эса «Булдамиш», «Самшит», «Зайтун» каби турфа гул ва ниҳоллар. Мингга яқин тувакларидаги гулларда ўзгача тароват... Дашнободнинг ҳар бири чинни косадек анорлари, Сурхон диёрининг машҳур хурмолари, Олтинсойнинг тилларанг узумлари, Хонжизанинг қандил олмалари...

Мавриди келиб, бу ерда ўстирилаётган Африканинг чала бутаси, Хитой хурмоси, Афғонистон анори, Ҳиндистон бамбуки, Эрон зайтуни, Қрим қарағайи ва бошқа кўплаб ноёб ўсимликлар ҳақида ҳам бафуржа тўхталишни кўнгилга туйдик. Бир сўз билан айтганда, дендрарий — кумуш қиш, зумрад баҳор, олтин ёз, зийнатли кузни ўзида мужассам этган ажойиб маскан — жаннат боғи!

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

«Ўзгўштсутсаноат» уюшмаси таркибидаги «Тошкент вилоятгўштсутсаноат» МЧЖ **ТУГАТИЛАДИ.**

Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддат ичида қуйидаги манзилда қабул қилинади:

Тошкент шаҳри, Чоштепа кўчаси, 379-уй.

Термиз шаҳридаги «Азия — Инвест» масъулияти чекланган жамиятнинг думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Ўзбекистон Республикаси Президенти девони жамоаси масъул ходим Анвар Саъдуллаевга онаси **Мамлакатхон ая САЪДУЛЛАЕВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Мирзо Улуғбек туман кенгаши партия туман кенгашининг биринчи котиби Р.Д.Сатторовага онаси **Фароғат ОРИПОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Давлат Техника университети «Электроника ва автоматика» факультети жамоаси «ЭХВЛТ» кафедраси катта ўқитувчиси Бобур Ғоибназаровга отаси **Баҳодир Соибжонович ҒОИБНАЗАРОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Asliddin RUSTAMOV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Norbobo SHAKAROV
Alimqul SULTONOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV
(Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA'DULLAYEV
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Olim MURODOV
Abdug'ani MAMASODIQOV
(Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-76-21
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas'ul kotib 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi: Akbar JONUZOQOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchi: Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.

Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 254

11400 nusxada bosildi

t — Тижорат материали

O'zA yakuni — Topshirish vaqti — 1 2 3 4 5

Sotuvda erkin narxda